



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов
10 июль куни Оқсаройда
расмий ташриф билан
мамлакатимизда меҳмон
бўлиб турган Туркия
Республикаси ташқи ишлар
вазирлиги Аҳмет Давутғлини
қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари бўйича фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Туркияни азалдан нафақат маданиятимиз, тилимиз ва маънавиятимиз муштараклиги, балки савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик боғлаб туриши қайд этилди.

А.Давутғли самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркия раҳбарияти номидан Президентимиз ва халқимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром изҳор этди. Туркия икки томонлама муносабатларни мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қиладиган юксак даражага кўтариш тарафдори эканини таъкидлади.

Бугунги кунда Туркия Ўзбекистоннинг ташқи савдо бўйича энг йирик беш ҳамкоридан биридир. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасида товар айланмаси 1 миллиард 347 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва бу 2012 йилга нисбатан 10,5 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда Туркия сармояси иштирокида 485 корхона фаолият юритмоқда.

Сўхбат чоғида маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлар алмашишни ривожлантиришдан ҳар икки томон манфаатдор экани қайд этилди. Туркия делегацияси ташриф доирасида Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро ва Хивада бўлиб, бу борадаги ҳамкорликнинг истиқболига гувоҳ бўлиши мумкин.

Учрашувда айрим минтақавий ва халқаро муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНА КЕЛГИМ КЕЛАВЕРАДИ

Мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганини юртимизга келаятган сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Гўзал Ўзбекистонимизнинг барча шаҳарларида хорижлик сайёҳларни кўплаб учратиш мумкин.

ЎЗА мухбири улардан айримлари билан суҳбатлашди.

Роланд ФРАНК (Франция):

– Ўзбекистонга бундан ўн уч йил аввал келган эдим. Бу гал Тошкентни танилмай қолдим. Шаҳар жуда ўзгариб кетди, янгидан-янги маҳаббатли бинолар ва мухташам саройлар, гўзал хиёбон майдонлар, раво йўллар бунёд этилди. Ўят замонавий, айти пайтада миллий шаҳар.

Сафарим давомида қадимий Хива шаҳрини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдим. Хива осмон остидаги очик музей эканига яна бир бор иқдор бўлдим. Ичан-қалъани кўриб, осмонўпар миноралар орасида ўзимни гўё эрталардаги мўъжизалар оламига тушиб қолгандай ҳис этдим. Бир-бирига тўташиб кетган гўзал обидалар киши ҳаёлини узоқ ўтмишга етаклайди. Орадан неча асрлар ўтса-да, ўзининг асл қиёфасини йўқотмаган меъморий ёдгорликлар бетакрорлиги билан бу ерга келаятган ҳар қандай сайёҳни мафтун этиши шубҳасиз.

Мамлакатингизда сайёҳлик, айниқса, меҳмонхона бизнеси халқаро даражада тараққий этган. Нафақат Тошкентда, балки чекка ҳудудларда ҳам замонавий меҳмонхоналар бунёд этилиб, сайёҳларга сифатли хизмат турларини тақдир этиётгани эътиборга молиқ.

Викрам ДИКШИТ (Ҳиндистон):

– Аждодларингизнинг Ҳиндистонда қолдирган улкан ва бебаҳо мероси ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихий муштараклигидан далолат беради. Тож Маҳал, Ҳумоюн Мирзо макбараси каби тарихий обидалар халқларимиз учун бирдек қадри ва азиз.

Ўзбекистон шаҳарлари ичида Самарқандга меҳрим жуда баланд. Узоқ тарихга эга, инсониятнинг йирик маданий бешиқларидан бири сифатида ўзида бой тарих ва тамаддунни муҳасам этган, миллингиз довуғи бутун дунёга таралишида муҳим ўрин тутган ушбу шаҳарга минг йиллардан бери инсоният ҳайрат ва қизиқиш билан боқди, сайёҳлар унга таппинади.

бола йилига бағишланган спорт мусобақаси ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Ўзсаноатқурилиш-банк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида «Ёшларнинг

кийиниш маданиятига эътибор» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Олимпия шон-шухрати музейида

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги 1-Муруват уйида Соғлом

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида 10 июль куни ўз келажигини Ватанимизни ҳимоя қилиш билан боғлашга аҳд қилган йигит-қизлар учун тест синовлари ўтказилди.



ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ ушбу тизим олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун зарур шарт-шароит яратиш, иқтидорли, ҳар томонлама тайёрланган ёшлар орасидан муносиб номзодларни танлаб олиш, ҳарбий таълим нуфузини ошириш мақсадида жорий этилди.

Айни пайтда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети биринчи курсга курсантларни қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси вакили Шухрат Қосимовнинг сўзларига кўра, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишни истаган ёшлар жорий йилнинг 1-апрелигача ўзининг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича туман ва шаҳар бўлимларига ариза тақдим этган. Улар мудофаа ишлари бўйича бўлимларда тиббий кўрик, жисмоний ва руҳий ҳолат текширувидан муваффақиятли ўтган, ҳужжатлар олий ҳарбий-таълим муассасаларига кўриб чиқиш учун юборилган. Барча олий ҳарбий таълим муассасаларида маалаки мутохассислардан иборат комиссиялар томонидан абитуриентлар қайта тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати текширилди. Мазкур синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларга тест синовларини топширишга рухсат этилди.

Олий ҳарбий-таълим муассасаларига ўқишга киришда ёшлар ва айрим тоифадаги фуқаролар учун

кенг имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, халқаро ва республика фан олимпиадалари ғолиблари, ўз хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг фараандлари тест синовларидан озод этилади. Сержантлар таркибида шартнома асосида хизматни намунали ўтаган ҳарбий хизматчиларга тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида имтиёз берилади. «Энг яхши сержант» танлови ғолиблари ҳам ўқишга танловсиз кириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ҳарбий-академик лицейлар битирувчиларига ҳам тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 10 фоизи миқдорида имтиёз берилган. Бундан ташқари, ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан тавсиянома берилган абитуриентлар тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча имтиёзга эгадир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбек мумтоз қўшиқларини яхши кўраман. Миллий куйларингиз ёзилган дисклар ва танбур хариш қилдим.

Кьонг-Сун МУН (Жанубий Корея):

– Тошкент том маънода гуллар шаҳри экан. Боғ ва хиёбонларга, кўчалару турар жойлар атрофига экилган турфа гуллар кишини мафтун этади.

Тинчлик ва осойишталик ҳукми сураётган заминга сайёҳлар ҳам кўп келади. Мен юртингизда ана шу осойишталикка, фаровонликка гувоҳ бўляпман. Ҳаёт ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз ҳар қандай кишида меҳр уйғотади. Ўзбек халқига хос ажойиб урф-одатлар ва бетакрор миллий анъаналарда юксак маънавият муҳасам.

Аёллар гўзалликка интилади: Гўзал, нақшинкор ва ёрқин рангли ўзбек миллий матолари аёлларга ўзгача кўрк бағишлайди. Мен ҳам атлас ва адрас сотиб олдим.

Андрес ДОМИНГЕС (Испания):

– Ўзбекистонга оилам билан келдим. Ўзги таътилни шу ерда ўтказаятганимиздан хурсандимиз. Айниқса, фарзандларимнинг кувончи чексиз. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши учун яратилган шароитлар бизга жуда манзур бўлди. Тошкентдаги «Аква Боги»да яйраб дам олдим.

Ўзбекистонда оила мустаҳкамлиги, ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилишидан яхши хабарим бор. Афсуски, Фарбада ота-оналар шахсий иш фаолияти билан керагидан ортиқча овора бўлиб ва даромад кетидан қувиб, бундай эзгу ишларга «вақт тополмай» қўйишган. Бу кўплаб нохуш ҳолатларга сабаб бўлаёттир. Ўзбекистон ёшлари жуда ақлли, билимли ва маданиятли экан. Кимдан нима сўрасак, бизга кўпчилиги инглиз тилида жавоб қайтаряпти, баъзилари испанчада ҳам бийрон сўзлаяпти. Шундай ёшлар бор мамлакатнинг келажиги албатта буюк бўлади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида абитуриентлар давлат тест синовлари топширди.

• Тошкент вилоятининг Пискент туманида туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда саксондан ортиқ корхона, ташкилот ва фермер хўжалиги ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада иштирок этган ёшларнинг аксарияти ишга кириш учун йўлланма олди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги эллик нафардан зиёд йигит-қизга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди.

• Самарқандда мини футбол бўйича «Қамолот» кубоги турнирининг вилоят босқичи ўтказилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида вилоят маданият ва спорт ишлари, ички ишлар бошқармалари, вилоят футбол федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада беллашувнинг дастлабки босқичида ғолибликни эгаллаган жамоалар ўзаро куч синашди.

• Наманганда 13-14 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасида «Маҳалламиз пахлавонлари» республика спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Маҳалла ёшлари ўртасида спортни кенг оммалаштириш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва иқтидорли спортчи ёшларни кашф этиш мақсадида ташкил этилган турнирда мусобақанинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 50 нафардан зиёд ёш полвон олти вазн тоифасида ўзаро беллашди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ ва Хитой ўртасида киберхавфсизлик муаммолари бўйича ўзаро очик мулоқот ўтказилди. Унда таъкидланганидек, хакерларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида интеллектуал мулк борасидаги йўқотишлар инновация ва инвестиция жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

• Кеча Шимолий Американинг Лоуэлл шаҳридаги уч қаватли турар жой биносидан чиққан кучли ёнғин натижасида етти киши ҳаётдан кўз юмди, бедарак йўқолганлар ҳам бор.

• Испаниянинг Пампло шаҳрида анъанавий буқалар пойгаси бўлиб ўтди. Унда хавфсизлик масалаларига риоя қилмаган тўрт киши жароҳатланиб, касалхоналарга ётқизилди.

• Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳри муниципалитети томонидан миллати ва ёшидан қатъи назар ортиқча вазндаги барча одамлар учун махсус танлов эълон қилинди. Икки ой давомида камида икки килограммлик вазндан халос бўлган одамлар ушбу танловнинг ғолиблари ҳисобланади ва уларга ҳар бир йўқотган килограмми учун бир грамдан тилла совға қилинади.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Россия

04:00 «Утро России».
08:00 Романовы. Царское дело. «Становление империи».
08:55 «О самом главном». Ток-шоу.
10:00 Вести.
10:30 Местное время. Вести-Москва.
10:50 Вести. Дежурная часть.
11:00 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
12:00 «Особый случай».
13:00 Вести.
13:30 Местное время. Вести-Москва.
13:50 Вести. Дежурная часть.

Джамайка».

15:00 «Пока станция спит». Телесериал.
16:00 Вести.
16:45 Местное время. Вести-Москва.
17:05 Вести. Дежурная часть.
17:15 «Прямой эфир».
18:35 Местное время. Вести-Москва.
19:00 Вести.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Русская серия. Владимир Яглык, Мария Машкова, Анна Снаткина, Борис Незоворов, Евгений Добросельский и Михаил Кизилев в телесериале «Моя большая семья».
23:35 Премьера. «Конструктор русского калибра».

ЧОРШАНБА, 16

02:20 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.

02:55 Сериал для полуночников. Теле serial «Закон и порядок-19» (США). 2009г.

НТВ

04:00 Профилактика!!!

08:00 «Сегодня»

08:20 «Первая кровь»

08:50 Сериал «Возвращение Мухомора»

09:55 «Суд присяжных»

11:00 «Сегодня»

11:20 «Суд присяжных. Окончательный вердикт»

НТВ

12:30 «Прокурорская проверка»
13:35 «Обзор. Чрезвычайное происшествие»
14:00 «Сегодня»
14:30 Детективный сериал «Глухарь. Продолжение»
16:35 «Обзор. Чрезвычайное происшествие»
17:00 «Сегодня»
17:55 Детектив «Одиссея сыщика Гурова»
19:50 «Кремль-Острозюжский»
20:00 «Судья и следователь»
21:35 «Сегодня. Итоги»
22:00 Детективный сериал «Глухарь. Продолжение»
00:00 «Данный ответ»
01:05 «Дикий мир»
01:20 Боевик «Зверобой»
03:10 Сериал «Москва. Три вокзала»

Спор

08:55 «О самом главном». Ток-шоу.
10:00 Вести.
10:30 Местное время. Вести-Москва.
10:50 Вести. Дежурная часть.
11:00 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
12:00 «Особый случай».
13:00 Вести.
13:30 Местное время. Вести-Москва.
13:50 Вести. Дежурная часть.
14:00 «Джамбай». Телесериал.
15:00 «Пока станица спит». Телесериал.
16:00 Вести.
16:45 Местное время. Вести-Москва.
17:05 Вести. Дежурная часть.
17:15 «Появилась зима».

Тошкент

19:00 Вести.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Русская серия. Владимир Яглич, Мария Машкова, Анна Снаткина, Борис Невзоров, Евгения Добровольская и Михаил Жигалов в телесериале «Моя большая семья».
22:45 Премьера. «Сергий Радонежский. Земное и небесное».
23:40 Михаил Жигалов, Георгий Штиль и Анатолий Котенев в фильме «Хлебный день» 2009г.
01:35 Новый сеанс. Олег Ефремов, Ролан Быков, Нина Гримова.

ПАЙШАНБА. 17

НТВ

04:00 Информационный канал
«НТВ утром»

06:35 «Спасатели»

06:35 «До суда»

07:35 Сериал «Возвращение
Мухтара»

08:00 «Сегодня»

08:20 Сериал «Возвращение
Мухтара» (продолжение)

09:55 «С присяжными»

11:20 «Сегодня»

11:20 Суд присяжных. Оконча-
тельный вердикт

12:30 «Прокурорская провер-
ка»

13:35 «Обзор. Чрезвычайное
происшествие»

14:00 «Сегодня»

Ёшлар

16:35 «Обзор. Чрезвычайное происшествие»
17:00 «Сегодня»
17:55 Детектив «Одиссея сыщика Гурова»
19:50 Премьера. Остроумный сериал «Курортная полиция»
21:35 «Сегодня. Итоги»
22:00 Детективный сериал «Глухарь. Продолжение»
00:00 «Дело темное»
01:00 «Дикий мир»
01:10 Боевик «Зверобой»
03:00 Сериал «Москва. Три вокзала»

HTB

(Давоми 4-бетда)

